# “Давлат кадастрлари” кафедраси

***<u>“Давлат кадастрлари”</u>***

фанидан амалий машғулот

**<u>Мавзу: Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри.</u>**

# Режа:

1. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри ҳақида умумий тушунчалар.
2. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритишнинг асосий тамойиллари.
3. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган.

# Мавзуга доир адабиётлар ва манбъалар рўйхати.


- Ихлосов.И.И. Давлат кадастрлари асослари. Ўқув қўлланма. 197-204 бет. МУНЎМУ, Тошкент, 2015.
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 415-модда
- Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278 - сон қарори
- Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1043 - сон қарори
- Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 3454 - сон қарори
- http://www.lex.uz






# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ҚЎМИТАСИ



**Геодезия ва картография миллий маркази**

Умумий назоратчи



Давлат кадастрлари ягона тизими республика ахборот таҳлил маркази бўлими

Лаборатория



Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ер-сув ресурслари бош бошқармаси;

ГИС сервер

21 та ДК бўйича мутахассислар Таҳлили жараёни

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари томонидан амалга оширилади

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, сақлаш ва таҳлил қилишни таъминлаш мақсадида юритилади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қуйидаги таркибий бўлинмалари:

республика даражасида - Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ер-сув ресурслари бош бошқармаси;

ҳудудий даражада - Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш ишларига умумий раҳбарлик Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритишни методик таъминлаш Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

# ЧИҚИНДИЛАРНИ КЎМИШ ВА УТИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖОЙЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИ







ЧИҚИНДИЛАРНИ КЎМИШ ВА УТИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖОЙЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИ БЎЙИЧА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ ТЕГИШЛИ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН – 242 ОБЪЕКТ ТҲРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ЭЛЕКТРОН *.PDF ФОРМАТИДА ҲАМДА ҚОҒОЗ КЎРИНИШИДА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН.


саноат ёки маиший чиқиндилар полигонлари; хавфли чиқиндиларни кўмиш жойлари;
, кул-шлак ташлаш жойлари
Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри объектлари
чиқиндихоналар, фойдаланиб бўлингандан кейин кўмиб ташланадиган шлам тўплаш жойлари
Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш учун махсус ажратилган ва ускуналанган жойлар

Қуйидагилар Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юртитишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудидаги чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларини тўлиқ қамраб олиш;
2. макон координатлари ягона тизимини ва ягона топографик асосни қўлланиш;
3. барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;
4. кадастр ахборотларининг ишончлилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;
5. кадастр ахборотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қулайлиги;

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларини хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш, баҳолаш йўли билан таъминланади ва Давлат ер кадастри ҳамда Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри ахборотларидан мажбурий равишда фойдаланишни назарда тутади.